

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОШЕВА ГУЛНОРА ДЖУРАЕВНА

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ АМАЛИЙ ЎҚИТИШ АСОСИДА
ДИЗАЙНЕРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Касб таълими. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Тошева Гулнора Джураевна

Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш (Касб таълими. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналиши мисолида) 3

Тошева Гулнора Джураевна

Совершенствование методики подготовки к дизайнерской деятельности будущих специалистов на основе практического обучения (На примере направления технологии продукции лёгкой промышленности)..... 21

Tosheva Gulnora Djurayevna

Optimization of the methodology for preparing future specialists for design activities based on practical training (On the example of the direction of technology for products of light industry) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОШЕВА ГУЛНОРА ДЖУРАЕВНА

**БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ АМАЛИЙ ЎҚИТИШ АСОСИДА
ДИЗАЙНЕРЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**
(Касб таълими. Енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналиши мисолида)

13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped693 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик - технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://iipro.uz>) ва “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахметжанов Мансур Махмудович,
педагогика фанлари номзоди, профессор.

Расмий оппонентлар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Каримова Нозима Нурмухаммадовна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “___” _____ кунни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17; e-mail: moqt@markaz.uz)

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент ш., Олмазор т., Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ кунни тарқатилди (2022 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х. Джураев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси в.б., п.ф.д., академик

С.Ю. Ашурова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.н., профессор

Қ.Т. Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олий таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг касбий тайёргарлигини замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларнинг зарур билим, кўникма ва малакаларини педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларини уйғунлаштириб фойдаланган ҳолда шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бўлажак мутахассис мустақил билим олишининг янги турларини жорий этиш ҳамда тармоқ технологиялари асосида ўқитишнинг ноанъанавий турларидан кенг фойдаланиш муаммолигича қолмоқда. Бунда талабалар ўқув фаолиятини узлуксиз ривожлантириб бориш билан бирга, уни модернизациялаш, шунингдек, узлуксиз равишда мустақил билим олишининг янги шакллари жорий этиш имкониятларини беради.

Хорижий педагогик тажрибаларга кўра мустақил билим олишининг янги турларини жорий этиш ҳамда тармоқ технологиялари асосида ўқитишнинг ноанъанавий турларидан кенг фойдаланиш касб таълими тизимида янги истиқболларни очиб беради. Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мутахассислик фанларининг ўрни жуда катта. Шунга кўра, бўлажак педагогларга умумкасбий ва ихтисослик фанларидан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишда ўқув материалларини амалий кўникма ҳамда малакалар тизимини шакллантириш орқали талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим-тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини таъминлашга қаратилган ислохотлар борасида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган “давлат олий таълим муассасаларига академик ва молиявий мустақиллик бериш” ва “тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”¹ устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш сифатини оширишга қаратилган амалий таълимнинг замонавий шакллари амалга татбиқ этиш орқали бўлажак дизайнерларнинг лойиҳалаш, конструкторлик ва бадий безаш компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш муҳим саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>

20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XXI асрда касб таълимининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, қонуниятлари ва тенденциялари, бўлажак ўқитувчиларни касбий педагогик фаолиятга тайёрлаш муаммолари Р.Х.Жўраев, П.Т.Магзумов, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Х.Ф.Рашидов, У.И.Иноятлов, Н.А. Муслимов, Ш.Ш.Шарипов, М.Б.Уразова, Н.Ш.Шодиев, Қ.Т. Олимов, Ў.Қ. Толипов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Бўлажак ўқитувчини касбий тайёрлашнинг умумпедагогик ва дидактик жиҳатлари О.А. Абдулина, В.А. Селастенин, Ў.Қ. Толипов, У. Нишоналиев, Р.Х. Джўраев, Ф.Р. Юзликаев, Н.А. Муслимов, А.Р. Ходжабаев, Э.Т. Чориев, М.М. Ахметжанов, У.И. Иноятлов, Ш. Шарипов, Х.Ф.Рашидов, М.Ҳакимова, О.А.Абдуқуддусовлар томонидан ишлаб чиқилган.

Дизайнерлик фаолиятини такомиллаштириш, тикувчилик ва енгил саноат соҳаларида мутахассислар тайёрлаш бўйича ватанимиз олимлари Қ.М.Абдуллаева, Н.Н.Каримова, С.Ю.Ражабова, Ш.Х.Самиева, МДХ мамлакатлари олимларидан О.В.Арефьева, Е.В.Ткаченко, С.М.Кожуховская, Ю.М.Бундина каби олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

Хорижий мамлакат олимлари: Дж. Равен, Annette Ernst-Fabian, Ch.G. Mohamed, Ursula Wade-Becker, Britta Kroll ва бошқалар таълим жараёнида компетентли ва тизимли ёндашув, олий таълим тизимида таълим сифати таҳлили ва касбий компетенцияларни шакллантириш муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

Тадқиқот муаммосини ўрганиш натижасида олиб борилган илмий изланишлар шуни кўрсатадики, бўлажак мутахассисларнинг касбий маҳоратини оширишга эътибор қаратилган. Аммо Касб-таълими - “Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” йўналиши талабаларини амалий ўқитиш орқали дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш муаммоси махсус тадқиқ қилинмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро муҳандислик-технология институтида амалга оширилаётган АИФ 2/20 – “Шахсга йўналтирилган инновацион

технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис - кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2021 йй.) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

бўлажак ўқитувчиларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлашнинг такомиллаштирилган моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак мутахассисларни амалий ўқитишга хизмат қилувчи электрон таълим ресурслари ҳамда ўқув материалларини яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш;

бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида касбий фаолиятга тайёрлаш натижаларини баҳолаш кўрсаткичларини ва мезонларини ишлаб чиқиш ва педагогик-тажриба синов ишларини ўтказиш.

Тадқиқот объекти олий таълим муассасаларида енгил саноат соҳаси бўлажак мутахассисларини амалий ўқитиш орқали касбий фаолиятга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети бўлажак мутахассисларни амалий ўқитишда дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид табиий-илмий, умумкасбий, махсус, психологик-педагогик адабиётлар таҳлили; педагогик ҳолатларни моделлаштириш; давлат таълим стандартлари, олий таълим муассасаси тажрибасини умумлаштириш; профессионал таълим ўқитувчилар фаолиятини кузатиш, педагоглар билан суҳбат ўтказиш; бўлажак ўқитувчилар ва педагогик сўровномалар, тажриба-синовларни ўтказиш ва унинг натижаларини математик-статистик методлар ёрдамида қайта ишлаш ҳамда умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида фаолиятли ва интегратив ёндашувлар ҳамда кўргазмалилик ва амалий йўналганлик тамойиллари асосида бўлажак мутахассисларни ўқитиш орқали дизайнерлик фаолиятига тайёрлашнинг мотивацион, рефлексив, когнитив ва креатив-фаолиятли каби ташкилий компонентлари мантикий узвийлиги, малакавий қамрови ва шакллантириш кетма-кетлиги дизайнерлик касбига оид компетенциялар мажмуи нуқтаи назаридан касбий (етакчи ва таянч) даражаланган;

енгил саноат соҳасининг мақсадли-мазмунли, ташкилий-жараёнли ва натижавий хусусиятларга устуворлик бериш ва бўлажак мутахассисларни амалий ўқитишга мўлжалланган “Sketchbook”, “Келажак дизайнери” ва “Design Thinking” каби интерфаол методларни мажмуавий ва ижодий

ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш орқали дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикаси такомиллаштирилган;

бўлажак мутахассисларни дизайнерлик фаолиятга тайёрлашда ўқув, педагогик ва ишлаб чиқариш амалиётини ўз ичига олувчи ахборот-услубий таъминотни ишлаб чиқиш орқали касбий мувофиқлик, турли-туманлик ва ностандартлик каби педагогик талабларини таъминлаш асосида мустақил таълим топшириқлар тизими (дискурсив саволлар, вариатив кейслар ва тадқиқий-ижодий тестлар) такомиллаштирилган;

дизайнерлик фаолиятининг фазовий фикрлаш, оригиналлик, интеллектуаллик ва дивергентлик каби сифат кўрсаткичларини аниқлаштириш ва яхлитлаш асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларинининг касбий фаолиятга тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари (репродуктив, продуктив, қисман изланувчан ва креатив) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида 5111000 - Касб таълими йўналиши ўқув режасидаги кўшимча фанлар блокига “Кийим дизайнида инновацион технологиялар” танлов фани киритилган ҳамда фанлараро интеграция асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик туркум фанларини ўқитишга қаратилган ҳаммуаллифликда “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” дарслиги ишлаб чиқилган ва амалиётда татбиқ этилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик таклифларнинг амалиётда татбиқ этилганлиги; мавзуга оид ўқув материалларининг нашр этилганлиги ва таълим жараёнига жорий қилинганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини замонавий ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказиш, талабаларни дизайнерлик фаолияти учун зарур қобилиятларни (янгиликни ўрганишга эҳтиёж, ижодкорликка, ўз-ўзини англаш, маънавий юксалиш, ҳамкорликка интилиш) самарали ривожлантириш ҳамда ўқув режа ва дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олий таълим тизимида амалий ўқитиш мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини амалга ошириш ва бўлажак педагогларнинг дизайнерлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, бўлажак ўқитувчиларнинг методик компетентлигини ривожлантириш жараёни ўқув режаси ва дастурлари ҳамда

малака талабларини такомиллаштиришда ҳамда замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

АИФ 2/20 – “Шахсга йўналтирилган инновацион технологиялар асосида техник йўналишлар бўйича малакали муҳандис кадрлар тайёрлаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини яхшилаш” (2019-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-90-сон маълумотномаси). Натижада, техника йўналишидаги олий таълим муассасалари талабалари учун амалий машғулотлар ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ишлаб чиқилган методик тавсиялар бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда педагогик туркум фанларини ўқитишга қаратилган ҳаммуаллифликда “Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-90-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш ўқув-услубий таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

5111000 - Касб таълими таълим йўналиши ўқув режасидаги қўшимча фанлар блокига “Кийим дизайнида инновацион технологиялар” номли махсус курси киритилган ҳамда унинг мазмуни фанлараро интеграция асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 11 декабрдаги 89-06-90-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 19 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, ҳаммуаллифликда 1 та дарслик, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда, 4 таси республика журналларида нашр этилган ва 1 та электрон қўлланмага интеллектуал мулк агентлигидан муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш ҳолати, моҳияти ва муаммолари, касбий таълимда мутахассислик фанларини амалий ўқитишнинг дидактик принциплари, бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш йўллари ёритилган.

Олий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштиришда 5111000 - “Касб таълими – Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” йўналиши талабаларида дарсларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади:

- бўлажак мутахассислар етук мутахассис бўлиб етишишлари билан бирга воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги тартиб-қоидалар, бурч, масъулиятлиликини гўзаллик, ахлоқий баркамоллик қонуниятлари асосида идрок этиш ва уларга амал қилиш мажбуриятларини аниқ англаб етишлари лозим бўлади;

- касбий-педагогик таълим ўз ичига рассомнинг маҳорати бу махсус назоратни яратишдир, бу унга қоғозни сувга тушириш пайтига қанча вақт кераклигини, рангларни ажратиш жараёнида қандай ранглардан фойдаланиш лозимлигини тушунишга имкон беради.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштиришда “Касб таълими - Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” йўналиши талабаларида дарсларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини тадқиқ қилиш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири ҳисобланади.

Турли мураккаблик даражасидаги гуруҳларда ўқув материалнинг мураккаблиги турличадир, бу эса ҳар бир талабага фан дастурининг алоҳида фанлари бўйича ўқув материални турли даражада, аммо асосийдан паст бўлмаган, ҳар бир талабанинг қобилиятлари ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда эгаллашига имконият беради. Муаммоли вазифалар усулидан фойдаланган ҳолда ўтилган мавзулар талабалар орасида кенг муҳокамани шакллантиради. Муаммоли вазифалар усули - (талаба) талабаларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг актив бўлиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усуллардир.

Бундан кўринадики, назарий ва амалий машғулотларнинг ўзаро боғлиқлиги таълим олувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида қўллаш учун ўқув-методик таълимни ўз ичига олган мураккаб ўқув жараёни билдиради. Шу сабабли ОТМ талабаларининг амалий ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси тобора долзарб бўлиб бормокда (1-жадвал).

1-жадвал

Дизайнерлик фаолиятига тайёрлашда ўқитишга бўлган ёндашувларнинг қиёсий таснифлари

Анъанавий (изоҳли-кўрсатмали)	Технологик	Тадқиқий-ижодий
<p>Ахборотни ўқитувчидан талабага узатиш.</p> <p>Таълим жараёнининг устувор ташкилий шакллари - суҳбат, ҳикоя, савол-жавоб.</p> <p>Билиш босқичлари ягона тизимга аниқ даражада боғланмаган.</p> <p>Машғулотлар (асосан) академик характерга эга бўлиб, улар мутахассисларнинг бўлажак фаолияти билан етарли даражада боғланмаган.</p>	<p>Тизимли ёндашув ёрдамида ўқув жараёнини лойиҳалаш.</p> <p>Ўқув мақсадларини максимал даражада ойдинлаштириш.</p> <p>Тескари алоқа орқали таълим жараёнига тузатиш киритиш.</p> <p>Шакллантирувчи ва яқунловчи баҳолаш.</p>	<p>Муносабатларни ўрганиш.</p> <p>Предметлараро боғланишни йўлга қўйиш.</p> <p>Маълумотлар тўплаш, моделлаш, уларни синовдан ўтказиш.</p> <p>Тадқиқий, ижодий танқидий фикрлаш.</p> <p>Далиллар келтириш.</p> <p>Қарорлар қабул қилиш.</p> <p>Ролли ўйинлар.</p> <p>Янгиликларни қабул қилиш ва қўллаш.</p>

Бизнинг тадқиқотимиз учун эса дизайнерлик фаолияти спецификасининг ижодий йўналтирилганлиги ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган қобилиятларни топиш нуқтаи назаридан аниқлаштириш қизиқиш уйғотади.

Демак, дизайнерлик фаолияти қўйидаги функционал боғлиқ компонентлар билан кўрсатилиши мумкин:

- маҳсулотга техник талабларни амалга оширувчи муҳандислик компоненти;
- эскизларнинг конструктив шаклини, пропорционал нисбатларини ва ўлчамларини белгиловчи шакллантирувчи компоненти;
- ишлаб чиқиладиган моделларнинг ранг ечимини белгиловчи хроматик компоненти;
- маҳсулотнинг материалларини ва технологик ишлов берилиши хусусиятларини белгиловчи материалшунослик компоненти (2-жадвал).

2-жадвал

Дизайнерлик фаолиятида қобилиятлар синфланиши

Е т а к ч и	
Дивергенция	Конвергенция
Трансформация	Реконструкция
Коммуникация	Концептуализация
Фазовий тасаввур	Фазовий хаёл
Композицион қобилиятлар (шакл, пропорция, ритм, ранг ва бошқ. комплекс қабул қилиш)	Фикрлаш оригиналлиги, мустақиллиги, мослашувчанлиги, тезлиги ва танқидийлиги
Қиёфали фикрлаш	Қиёфали (шу жумладан, белгили) хотира;
Ассоциациялаш осонлиги ва кенглиги	
Т а я н ч	
Қабул қилишнинг тўлиқлиги, конкретлиги, яхлитлиги	Диққатнинг юқори концентрацияси, унинг ўзгартирилиши мослашувчанлиги
Материални тушуниш тўлиқлиги ва чуқурлиги	Антиципацияловчи (келажакка қаратилган) қиёфаларни кўриш аниқлиги
Креативлик	Ҳиссий хотира
Интуиция	Ирода

Дизайнерлик фаолият мақсади бўлиб, илгари мавжуд бўлмаган ёки бошқа шаклда мавжуд бўлган янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Дизайнерлик фаолияти қўйидагиларга қаратилган:

- одам фаолияти субъектив ёки объектив янги маҳсулотини яратиш;
- фаолият янги усулларини ихтиро қилиш ёки ўзлаштириш;
- фаолият жараёнида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши;
- субъект томонидан ўз имкониятларини англаш.

Масалан, бадий лойиҳалаштиришнинг биринчи босқичида (лойиҳавий вазифа шартларини ва объектга қўйилган талабларни ўрганиш) график фаолият қўйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳавий вазифа шартларининг чизма билан ўзаро нисбатини аниқлаш ва тескариси;

- шартнинг қайта кодланиши.

Мазкур фаолият тасвирларнинг чизмаларда бажарилиши шартларини билиш, турли кўринишларни, кесимларни, бўлинмаларни сақлаган чизмаларни ўқий олиш, ўлчовлар, хомқолип, эскиз ва техник расмларни бажариш ва бошқалар билан таъминланади.


Иккинчи босқичда объектнинг умумий шаклини ишлаб чиқиш (муаммо ечими мўлжалининг пайдо бўлиши)да лойиҳалаштириладиган объектнинг функционал, эргономик, эстетик ва технологик талабларини инобатга олган ҳолда объект конструкцияси вариантларининг аналоглари лавҳалари, компоновка хомқолиплари ва кўргазмали тасвирлари бажарилади. Бунинг учун аксонометрик ва перспектив проекциялар тузиш усулларини билиш, шунингдек, эркин тарзда, тасаввур ва ифода асосида хомқолип, эскиз, техник расмларни турли хил график воситалар билан, турли хил техник усуллардан фойдаланиб бажариш зарур бўлади.

Учинчи босқич - ечим фаззини шакллантириш, мўлжални аниқлаштириш босқичи чизмаларни ортогонал проекцияларда (кўриниш, кесимлар, қирқимларни сақлаган) ўқиш ва бажаришни, аксонометрик, перспектив тасвирларни тузишни билишни ва бошқаларни назарда тутати.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган бўлиб, унда касбий таълимда дизайнерлик фаолиятига оид мутахассислик фанларини амалий ўқитиш методлари, бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш модели, енгил саноат соҳаси мутахассисларини амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлашнинг ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тасаввур қилиш жараёни бўлажак дизайнернинг ижоди учун жуда муҳимдир. Ижодий объектни яратиш жараёни аввалги тажрибанинг турли-туманлиги билан белгиланади, уни кенгайтириш – ўқитиш жараёнининг биринчи даражали мақсадидир. Тасаввур қилиш жараёнини тадқиқ қилиш тасаввур тўғрисида инсон фаоллигининг ажралмас қисми сифатида хулоса чиқаришга имкон берди. У муаммоли вазият мавжуд бўлган жойда ва вақтда янги ечимни қаердан кидириб топиш зарурлигида юзага келади.

Бизнинг фикримизча, дизайнерлик фаолиятига қобилиятларни энг самарали ривожлантириш компонентларининг мавжудлиги билан шартланади. Олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди ва унинг таркибий компонентлари (мазмунли-мақсадли, жараёнли ва натижавий) тузилмаси мазмуни очиб берилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш модели

1. Ижтимоий эҳтиёж: Олий таълим муассасаларида 5111000 - “Касб таълими - Енгил саноат маҳсулотлари технологияси” йўналиши малака талабларида бўлажак мутахассисга қўйиладиган илмий-тадқиқот; лойиҳавий-конструкторлик; ташкилий-бошқарув; енгил саноат буюмларини ишлаб чиқариш ва сервис хизмати, дизайнерлик фаолият турлари бўйича белгиланган талаблар асосида малакали кадрларни етиштириш назарда тутилган.

2. Мақсад: Бўлажак мутахассисни амалий ўқитиш асосида малака талабларидаги дизайнерлик фаолиятга тайёрлашда дизайн фикрлашга қаратилган креатив ёндашув асосида такомиллаштиришни мақсад қилиб олдик.

3. Дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш мазмунини такомиллаштириш: Дизайнерлик фаолиятнинг хусусиятларига, дизайнерлик фаолиятининг ўзига хослигига ҳамда касб таълими ўқитувчисининг малака талабларига асосланган ҳолда, дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш компонентлари (*мотивацион, рефлексив, когнитив, креатив-фаолиятли*) мазмуни ишлаб чиқилди.

4. Дидактик шарт-шароитларни такомиллаштириш бўйича бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дидактик ёндашувлар, тамойиллар ва ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга оид методик таклифлар ишлаб чиқилди.

5. Дизайнерлик фаолиятига тайёрлашда амалий ўқитиш босқичлари: Амалий ўқитишнинг 1-босқичида талабаларнинг касбий мотивациясини ривожлантириш бўйича замонавий методикалар қўлланилди ва 2-босқичда эса уларга дизайн фикрлашни ўргатиш ва ҳамкорликда фаолият олиб боришга ўргатилди. Касбий таълимнинг 3-босқичида дизайн фикрлаш асосида янги ғоялар яратишни ўргатилди ҳамда 4-босқичда мустақил равишда кийим дизайнини яратиш ва намойиш этишга қаратилган ёндашувлар амалда жорий қилинди.

6. Дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш ўқув жараёнини ташкил этиш: Дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш ўқув жараёни ўқитиш шаклларида анъанавий, ностандарт ва визуал турлари асосида олиб борилди. Дизайнерлик фаолиятига тайёрлашда қуйидаги ўқитиш методларидан самарали фойдаланилди: “Кейс стади”; “Келажак дизайнери”; “Sketchbook” ва “Design Thinking”. Қўлланилган методларнинг барчаси талабаларни дизайнерлик фаолиятига тайёрлашга қаратилди.

Ишлаб чиқилган методика асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлашнинг яхлит ўқув-методик тизими шакллантирилди. Энг сўнгги ютуқлардаги замонавий дизайн воситаларини идрок эта билиш, ахборот коммуникация технологияларини дизайн таълимида қўллай олиш, ўқитувчилик фаолияти жараёнида электрон таълим ресурслари ва таълим воситаларини, шунингдек, таълим олувчиларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш назарда тутилади.

Ўтказилган илмий изланишларга кўра, олдиндан маълум касбий фаолият тузилмаси компонентлари бугунги куннинг замонавий таълим ҳамда касб таълими битирувчисининг малака талабларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларни қисман ўз ичига олади. Бу эса дизайнерлик касбий фаолият тузилмаси компонентларига янги креатив-фаолиятли мажмуавий компонентни киритиш заруриятини келтириб чиқаради. Мазкур жараённинг ёки натижанинг сифат характеристикаси фикрлаш оригиналлиги бадиий-лойиҳалаш вазифаси ечимини излашда ноодатийлик, зукколик, мустақилликни назарда тутди. Фикрлашнинг дивергентлиги бу турли объектларда ёки ҳодисаларда умумийликни кўра олиш қобилиятидир. Дивергенция битта объектда функциялар кўп қирралигини аниқлашда, муаммони турли нуқтаи назардан кўра олишда, уни турли контекстларга киритишда намоён бўлади.

Ижодий топшириқлар. Ижодий топшириқлар деганда, биз талабалардан ижодкорликни талаб қилувчи, бир нечта ёндашувларга эга бўлган, таркибида номаълум катта ёки кичик элементлардан иборат топшириқлар мажмуини тушунамиз. Амалий машғулотларда “Sketchbook” технологиясини қўллаб мазкур ёндашув бўйича дарс ишланмаси ишлаб чиқилди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бўлажак дизайнер томонидан бадиий-лойиҳавий масалаларни ечиш жараёни фикрлаш ҳаракатларининг учта тури билан характерланади:

1) шартларнинг таҳлили, фаразини шакллантиришни ўз ичига олган йўналтирувчи ҳаракатлар;

2) бажарувчи ҳаракатлар, масалан, масалани ечиш оптимал усулларини танлаш;

3) жавобни шакллантириш, вазифани ечиш натижасини назорат қилиш.

Кичик гуруҳларда ишлаш. Кичик гуруҳларда ишлаш энг оммабоп стратегиялардан бири бўлиб, у барча талабаларни топшириқни бажаришда иштирок этишга, ҳамкорлик малакалари ва шахслараро мулоқот (хусусан, фаол эшитиш кўникмаси, умумий фикрни ва пайдо бўлаётган келишмовчиликларни ҳал қилиш)нинг амалий томонини ривожлантиришга имкон беради. Бунга “Кейс-стади” методи мисолида дарс ишланмаси ишлаб чиқилган.

Кўргазмали-изоҳли ўқитиш технологияси. Маълумки, ўқув маълумотлари ўқитувчи-талаба ҳамкорлигида қўлга киритилади. Ҳар иккала иштирокчининг таъсирида фаолият воситаси ва билимларни ўзлаштириш жараёнини идрок қилиш, тушуниш, англаш, умумлаштириш, мустаҳкамлаш, амалда қўллаш каби операцияларда амалга ошади. Бунга мисол сифатида “Келажак дизайнери” методини амалий таълимда қўллаш бўйича намунавий дарс ишланмаси ишлаб чиқилди.

7. Дизайнерлик фаолиятига тайёргарликни баҳолаш жараёни:

Дизайнерлик фаолиятининг сифат кўрсаткичлари. Дж. Гилфорд томонидан, шунингдек, умумий ижодий қобилият (креативлик) асосий

параметрлари ажратиб кўрсатилган бўлиб, улар дизайнерлик ижодкорлигини амалга ошириш асосий механизмларига мувофиқ келади:

- муаммоларни аниқлаш ва тўғри қўйиш қобилияти;
- оригиналлик (ноодатий ассоциацияларни актуаллаштиришга қобилият);
- семантик мослашувчанлик (объектдан янги вазиятда фойдаланиш қобилияти);
- қиёфали адаптив мослашувчанлик (объектдан янги шароитларда фойдаланиш учун унинг шаклини ўзгартириш қобилияти);
- семантик ўз-ўзидан рўй берадиган мослашувчанлик (турли хил ғояларнинг кўп вариантыни ишлаб чиқишга қобилият).

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг дизайнерлик фаолиятга тайёргарлиги даражасини баҳолаш. Юқорида қараб чиқилган дизайнерлик фаолиятга тайёргарлик тузилмасига мувофиқ унинг шаклланганлиги сифатини баҳолаш учун бир-бирини тўлдирувчи қуйидаги баҳолаш мезонларини танлаб олдик: *репродуктив мезон* - дизайнерлик фаолиятни шакллантиришга қизиқиш (талабанинг ўрганиш ва актив фаолиятга ички интилиши); касбий вазифаларни ечишда инновацион фаолият ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларнинг зарурлигини англаш; *продуктив* - касбий ва дизайнерлик фаолиятда инновацияларнинг роли ва аҳамиятини; дизайнерлик фаолият турлари, уларни қай тарзда олиб бориш каби билимларларга эҳтиёжни тушуниш; *қисман изланувчан мезон* - дизайнерлик фаолиятининг барча компонентларини амалда қўллаш ва ўз-ўзини бошқариш кўникмалари; *креатив мезон* - касбий-дизайнерлик фаолиятини танқидий таҳлил қилиш; мавжуд муаммоларни ечишда янги ғоя, усулларни излаш, уларни қайта ишлаш ва мақбул қарорлар қабул қилиш ҳамда уларни амалда қўллай олиш; шахсга йўналтирилган таълимнинг янгича методлари, шакли ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда жорий этиш кўникмалари.

Бўлажак мутахассиснинг дизайнерлик фаолиятга тайёргарлиги даражалари. Илмий изланишларимиз натижасига асосланиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлигининг шаклланганлигини қуйидаги даражаларини белгилаб олдик: *юқори; ўрта; қуйи*.

Юқорида келтирилган компонентларнинг бўлажак касб таълими ўқитувчилари томонидан ўзлаштирилиши уларнинг дизайнерлик фаолиятга тайёрлиги тўлақонли эканлиги билан изоҳланади. Демак, мутахассислик фанларини ўқитишда психологик-педагогик қонуниятлар ҳисобга олиниши бевосита бўлажак ўқитувчи касбий фаолиятининг юзага келиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **“Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича тажриба синов ишларини ташкил қилиш”** деб номланган учинчи бобида бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш

бўйича тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2017-2020 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, Бухоро муҳандислик-технология институти, Жиззах политехника институти, Наманган муҳандислик-технология институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида уч босқичда олиб борилди.

Педагогик-тажрибанинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1) техник ва компьютер дизайнерлигини ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассисларни дизайнерлик фаолиятига қобилиятининг мавжудлигини аниқлаш;

2) назорат ва тажриба гуруҳларини аниқлаш;

3) бўлажак мутахассисларни турли фанлар бўйича тайёрлаш моҳиятини таҳлил қилиш.


Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, техник ва дизайнерликни ўқитиш жараёнида ўқув-дизайнерлик фаолиятининг услубий йўналтирилганлигини ҳисобга олиш, бўлажак педагогик фаолиятига нисбатан ижобий мотивацияни шакллантириш мақсадида талабаларнинг ўқув-дизайнерлик фаолиятига қизиқишни намоён этиш учун «Кийим дизайнида инновацион технологиялар» танлов фанини ўқитиш бўйича сонли маълумотлар олиниб, натижалар математик-статистик таҳлил қилинди ва Стъудент мезони орқали хулосалар чиқарилди (4-жадвал).

4-жадвал

«Кийим дизайнида инновацион технологиялар» танлов фанини амалий ўқитиш натижасида тажриба-синов ва назорат гуруҳлари бўлажак мутахассисларнинг дизайнерлик фаолиятига тайёргарлик даражалари

Дизайнерлик фаолиятига тайёргарлик даражалари	Тажриба гуруҳи				Назорат гуруҳи			
	Тажриба бошида 140 нафар талаба		Тажриба охирида 139 нафар талаба		Тажриба бошида 140 нафар талаба		Тажриба охирида 138 нафар талаба	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Юқори	25	17,8	60	42,8	25	17,8	30	21,4
Ўрта	45	32,2	45	32,1	50	37,7	60	43,4
Қуйи	70	50	34	25,1	65	44,5	48	35,2
Ҳаммаси	140	100	139	100	140	100	138	100

Тажриба-синов ва назорат гуруҳлари бўлажак мутахассисларда «Кийим дизайнида инновацион технологиялар» ўқув курси бўйича ўзлаштириш натижалари қуйидагича бўлди:



2-расм. Тажриба ва синов гуруҳларининг натижалари гистограммаси

Гистограммадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳи талабаларида мустақил ишлаш кўникма ва малакаларининг шаклланганлик кўрсаткичлари ҳар уч босқич натижаларига кўра 17,8% фоиздан 42,8% фоизга, назорат гуруҳларида 17,8% фоиздан 21,4% фоизга ошган. Бу эса олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарадорлигини кўрсатади.

Ҳар бир босқич учун «Кийим дизайнида инновацион технологиялар» махсус ўқув курсини ўқитиш бўйича сонли маълумотлар олиниб натижалар математик-статистик таҳлил қилинди ва Стъудент мезони орқали хулосалар чиқарилди. БухМТИда тажриба гуруҳларида 1,2 баробар ва назорат гуруҳларида 1,1 баробар, НамМТИда тажриба гуруҳларида 1,22 баробар, назорат гуруҳларида 1,1 баробар, ЖизПИда тажриба гуруҳларида 1,18 баробар, назорат гуруҳларида 1,14 баробар, ҚарМИИда тажриба гуруҳларида 1,19 баробар, назорат гуруҳларида 1,13 баробар самарадорликка эришилди. Тажриба гуруҳларидаги олий таълим муассасалари бўйича умумий самарадорлик кўрсаткичи 1,2 баробарга ўсганлиги аниқланди.

Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаси шуни кўрсатдики, “Кийим дизайнида инновацион технологиялар” ўқув курсини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда қўллаш анъанавий ёндашувга нисбатан самарали эканлиги аниқланди. Олинган натижалар тажриба-синов ишларининг самарали бўлганлигини тасдиқлади.

ХУЛОСАЛАР

Бўлажак мутахассисларни амалий ўқитиш асосида дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олий таълим муассасаларининг битирувчилари учун таъкидлаб ўтилган вазифаларни амалга оширишда таълим мазмунини иш берувчилар талаблари асосида босқичма - босқич ўзгартириб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб, фанларнинг мазмунини инновацион педагогик технологиялар бўйича ишлаб чиқиш ҳамда улардан самарали фойдаланиш методикаларини таъминлаш, мустақил билим олишнинг янги турларини

жорий этиш ҳамда тармоқ технологиялари асосида ўқитишнинг ноанъанавий турларидан кенг фойдаланиш, шубҳасиз, касб таълими тизимида янги истиқболларни очиб беради.

2. Тадқиқотимиз жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлаш жараёни тузилмавий таҳлили, касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёргарлигининг бугунги ҳолати таҳлили ўқув жараёнини янада такомиллаштириш зарур, деган хулосага келинди. Бундай таълим тизими ўқув фаолиятини узлуксиз ривожлантириб бориш билан бирга, уни модернизациялаш, шунингдек, узлуксиз равишда мустақил билим олишнинг янги шакллари жорий этиш имкониятларини беради.

3. Дизайнерлик фаолиятига бўлган қобилиятларни энг самарали ривожлантириш, шунингдек, шахснинг мотивацион соҳаси алоҳида компонентларининг мавжудлиги билан шартланади. Булар: янгиликни ўрганишга эҳтиёж, ижодкорликка, ўз-ўзини топишга, маънавий ўсишга, ҳамкорликка интилиш ва бошқ. Ирода, уйғунликка, тартиб ва гўзаликка етишишга интилиш каби мотивацион компонентлар яққолроқ намоён бўлади. Дизайнер бадий-лойихалаш фаолиятининг ундовчи мотивларига ўз-ўзини фаоллаштиришга эҳтиёж, мотивация, ўз-ўзини ривожлантириш ва бошқалар киради.

4. Олий таълимда бўлажак мутахассисларни ўқитишда “Кейс стади”, “Скетчбуок”, “Келажак дизайнери” методларини ишлаб чиқиш орқали дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш методикасининг такомиллаштирилган модели ишлаб чиқилди.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг олган билимлари асосида дизайнерлик кўникма ва малакаларини шакллантириш, шунингдек, дизайнер фикрлаш сифатларининг муҳим компонентларини (оригиналлик, тезлик, мослашувчанлик, дивергентлик) ривожлантиришга қаратилган ўқув-методик таъминот ишлаб чиқилди.

6. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари таҳлил қилиниб, “Кийим дизайнида инновацион технологиялар” махсус ўқув курсини аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда қўллаш анъанавий ёндашувга нисбатан самарали эканлиги аниқланди.

Ушбу диссертация юзасидан олиб борилган тадқиқот асосида олий таълим муаасассаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини дизайнерлик фаолиятига тайёрлаш бўйича қуйидаги **методик тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. 5111000-Касб таълими (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси йўналиши мисолида) “Кийим дизайнида инновацион технологиялар” ўқув курсини ўқитишда электрон ахборот таълими ва мультимедия воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг дизайнерлик қобилиятларини ривожлантириш учун дастлабки курсданок уларни босқичма-босқич мустақил инновацион-ижодий ишларга ва муаммоли вазиятли топшириқларнинг ечимини топишга тизимли ўргатиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИИ
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТОШЕВА ГУЛНОРА ДЖУРАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ
СПЕЦИАЛИСТОВ К ДИЗАЙНЕРСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НА
ОСНОВЕ ПРАКТИЧЕСКОГО ОБУЧЕНИЯ**
(На примере направления технологии продукции лёгкой промышленности)

13.00.05 – Теория и методика профессионального образования

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии наук (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/Ped693

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://iipro.uz>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный руководитель:	Ахметжанов Мансур Махмудович, кандидат педагогических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Шарипова Дилара Джуманиязовна, доктор педагогических наук, профессор. Каримова Нозима Нурмухаммадовна, доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в__ на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01 по присуждению ученых степеней при институте педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, 76). Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17; e-mail: moqt@markaz.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (Адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, ул. Зиё, 76). Тел: 246-92-17; факс: 246-92-17).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года
(протокол рассылки №__ от «__» _____ 2022 года.)

Р.Х. Джураев
и.о. Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., академик

С.Ю. Ашурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., профессор

К.Т. Олимов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.п.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всём мире особое значение имеет развитие профессиональной подготовки учащихся высших учебных заведений на уровне современных требований, формирование у них необходимых знаний, навыков и умений с использованием комбинирования педагогических и информационно-коммуникационных технологий. При этом, внедрение новых видов самостоятельного обучения будущих специалистов и широкое использование нетрадиционных форм обучения на основе сетевых технологий остаются важной проблемой. Так, наряду с постоянным развитием учебной деятельности студентов, это даёт возможность ее модернизации, а также постоянного внедрения новых форм самостоятельного обучения.

Согласно зарубежному педагогическому опыту, внедрение новых видов самостоятельного обучения и широкое использование нетрадиционных форм обучения на основе сетевых технологий открывает новые перспективы в системе профессионального образования. Большую роль играют специальные предметы в подготовке будущих специалистов. Так, для будущих педагогов является важным развивать профессиональную компетентность студентов путём формирования системы практических навыков и компетенций при организации и проведении обучения по общеобразовательным и специальным дисциплинам.

В плане реформ, направленных на интеграцию содержания образования с наукой и производством в стране, для реализации таких задач как «предоставление государственным высшим образовательным учреждениям академической и финансовой самостоятельности» и «совершенствование системы подготовки ведущих специалистов в направлениях изобразительного, прикладного искусства и дизайна»¹, указанных в Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, требуется совершенствование методики подготовки к дизайнерской деятельности в преподавании практических занятий по специальным дисциплинам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5812 от 6 сентября 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования», №УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении Концепции развития высшего образования. системе Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3151 от 27 июля 2017 г. «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года « О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы». <https://lex.uz/docs/5841063>

повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» и других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Процесс, закономерности и тенденции формирования и развития профессионального образования в XXI веке, проблемы подготовки будущих учителей к профессиональной педагогической деятельности изучены в исследованиях таких учёных, как Р.Х.Жураев, П.Т.Магзумов, У.Н.Нишоналиев, А.Р.Ходжабаев, Х.Ф.Рашидов, У.И.Инояттов, Н.А.Муслимов, Ш.Ш.Шарипов, М.Б.Уразова, Н.Ш.Шодиев, К.Т. Олимов, У.К. Толипов и др.

Общепедагогические и дидактические аспекты профессиональной подготовки будущего преподавателя разработаны таким учёными, как О.А. Абдулина, В.А. Слостенин, У.К.Толипов, У.Нишоналиев, Р.Х.Джураев, Ф.Р. Юзликаев, Н.А. Муслимов, А.Р. Ходжабаев, Э.Т. Чориев, М.М. Ахметжанов, У.И. Инояттов, Ш. Шарипов, Х.Ф.Рашидов, М.Хакимова, О.А.Абдукуддусов.

Совершенствование дизайнерской деятельности, подготовка специалистов в области швейной и легкой промышленности изучены в научных исследованиях таких учёных нашей страны, как К.М.Абдуллаева, Н.Н.Каримова, С.Ю.Ражабова, Ш.Х.Самиева, учёных стран СНГ как О.В.Арефьева, Е.В.Ткаченко, С.М.Кожуховская, Ю.М.Бундина.

Исследования по проблемам компетентного и системного подхода к образовательному процессу, анализу качества образования в системе высшего образования и формирования профессиональных компетенций проведены зарубежными учёными Дж. Равен, Annette Ernst-Fabian, Ch.G. Mohamed, Ursula Bade-Becker, Britta Kroll и др.

Результаты изучения проблемы исследования показывают, что основное внимание уделяется повышению профессиональных навыков будущих специалистов. Однако проблема совершенствования методики подготовки студентов направления «Профессиональное образование - Технология изделий легкой промышленности» к дизайнерской деятельности путём практического обучения не была специально исследована.

